

## **Чизмачилик ва тасвирий санъат ўқитувчиси тайёрлашда композиция фанини ўқитиш методикаси ва мазмуни**

Н.Ибодуллаева, УргДУ Катта уқитувчиси

Педагогика олий ўқув юртларининг бадиий графика факультетларида композиция фани мутахассис тайёрлашда асосий фанлардан бири ҳисобланади.

Композиция курси талабага образли фикрлашга ва ижодий тасаввурни ривожлантиришга, ҳаётдаги гўзаллик ва янгиликларни кўра билиш малакаларини шакллантириш, воқеа ва ҳодисаларни умумлаштириш ва ички ҳиссиётни бадиий образларда тасвирлашга имкон беради.

Талабаларни композицияга ўргатишдан асосий мақсад миллий маънавият ва ахлоқий анъаналар асосида келиб чиқувчи инсонпарварлик ва реализм методлари, юксак маҳорат ва чуқур тасвирий маданиятни эгаллаган рассом педагогни тарбиялашдан иборатдир. Лекин ўқув режасига кўра композиция курси учун оз вақт ажратилганлиги сабабли, бу вақт мобайнида талаба етарлича билимга эга бўлолмаслиги мумкин.

Шунинг учун ҳам композиция фанидан ўқув машғулотида давомида талабаларнинг композиция тўғрисидаги назарий билимларни етарлича бойитилиши ва амалий, мустақил машғулотларда бу билимлар мустаҳкамланиши лозим.

Талабаларнинг композиция ҳақидаги билимлари фақат композиция машғулотида эмас, балки қаламтасвир, рангтасвир, дизайн, наққошлик каби машғулотида ҳам бойитилиши мумкин. Композицияга ўргатиш биринчи курсдан бошлаб ҳар бир вазифани маълум изчилликда мураккаблаштириб бориш орқали амалга оширилади. Бу композициядан ўқув вазифаларини бажариш жараёнида шунингдек рангтасвир ва қаламтасвирдан ўқув вазифалари устида ишлаш мобайнида амалга оширилади. Бу машғулотларда композиция тузишда чизилаётган текислик юзасидан тўғри фойдаланиш, композицияни яхлит сезиш каби ҳислатларни тарбиялаш, композиция маркази, диагонал ечим каби усуллар ҳам тушунтирилади.

Композициянинг бўлинмаслик қоидалари симметрия, ассимметрияни билиш келгуси мураккаброқ бўлган композицияларни бажаришда ёрдам беради.

Талабалар яратадиган композиция ишларидаги тасвирлаш ва ўрганишнинг бош манбаи-бизнинг воқелигимиз ҳисобланади. Композиция устида иш олиб боришнинг зарур шарти ҳаётий кузатишларни йиғишдир, бу эса талаба томонидан мунтазам равишда этюд ва лавҳаларда қайд қилиш, натурадан чизиш, кузатиш, хотира ва тасаввур қилиш натижасида амалга оширилади. Бу вазифалар қаламтасвир ва рангтасвирдан мустақил машғулотлар давомида бажарилади.

Масалан, қаламтасвир ёки рангтасвирдан талабага бериладиган мустақил машқлар қуйидаги изчилликда берилиши мумкин.

1. Натюрморт бўйича кўйилма тузиб, уни композицион тўғри жойлаштириш.

2. Интерьер композицияси. (буюмларни жойлаштириш ва мавзу мазмунини шу буюмлар орқали боғлаш).

3. Берилган (ёки талабанинг ўзи танлаган) мавзу бўйича эскиз учун индивидуал ишлаш.

(сухбатлар, композицияга материал йиғиш учун музей ёки саноат корхоналарига саёҳат, адабиётлар ўқиш, натурадан, лавҳа олиш ва хоказо).

4. Кузатув орқали, композиция ишлаш (табиат манзараси, мавзули картина).

5. Одамлар гуруҳини композицион тўғри жойлаштиришни ўрганиш учун машқлар. (интерьер, экстерьер ва табиатда)

Ўқитувчи бу вазифаларни бажариш жараёнида талабани ҳаётий таассуротларини фикрлаб кўришга ўргатиши, уларни ҳаётнинг типик воқеаларини кўра олиш ва ҳаққоний тасвирлай олиш руҳида тарбиялаши зарур.

“Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси” бакалаврият таълим йўналишининг ўқув режасидаги ихтисослик фанлари қаторига графика ва дастгоҳли рангтасвир фани ҳам киритилган бўлиб, бу фанлар 7-8 семестрларда ўқитилади. Бу фанларни 5-6 семестрда ўқитиладиган композиция фанининг узвий давоми деса бўлади.

Композиция машғулотида асосий эътибор расм ўқитувчисининг ижодий ва педагогик амалиётидаги композициянинг роли ва уларни амалда қўллаш усулларига қаратилган бўлса, графика ва дастгоҳли рангтасвир машғулотида тугалланган бадиий асар яратиш устида ишлашнинг усуллари ўргатилади.

Композиция машғулотида эса ўқитувчи тартиб билан мунтазам равишда композиция устида ишлашни, изчил ўргатиб боради. Бунда асосий эътибор мавзу танлаш, материал йиғиш, эскиз устида ишлашга қаратилади ва мақсад, моҳият ва мавзунини ифода этиш воситаларини эгаллашга, композицион ечимда керакли аниқликни топишга ўргатилади.

Талаба олдида композициянинг яратилишидаги бутун қийин жараёнини очар экан, ўқитувчи унинг диққатини мақсадининг энг муҳим ечимига, асосийсини ажрата олиш, иккинчи даражали бўлганларини унга бўйсундириши, композиция бўлаклари орасидаги алоқаларни ўрнатиши, уларни яхлитликка бўйсундириш, колорит, тус, ёруғ-соялар, силуэт, контраст, турғунлик ва шиддат, ранглар ва ёруғликлардаги ритмни ҳамма воситаларни композициянинг яхлитлигига ва мувозанатига эришишига қаратиши лозим.

Қуйида композиция машғулотларининг тахминий режасини келтирдик:

№	Маъруза машғулотлари мавзуси ва мазмуни	
1	Композиция фанининг мазмуни ,мақсади ва вазифалари	2
	Тасвирий санъатда композиция ҳақида	2
2	Картина ва унинг таркибий элементлари	
	Натюрморт санъати. Натюрмортнинг фикрий мазмунини очиб берувчи композиция усуллари ва воситалари.	2
3	Бадиий образ. Композиция асарнинг фикрий ғоявий мазмунини бадиий образда мужассамлаштириб берувчи восита сифатида	2
4	Композициянинг қонунлари ва воситалари.	2
5	Манзара жанри ҳақидаги умумий маълумот. Манзаранинг фикрий ва эмоционал мазмунини очиб берувчи воситалар.	2
6	Тугалланган бадиий асар устида ишлаш методлари.	2
7	Картинанинг мавзули композицион маркази ва уни очиш воситалари.	2
8	Портрет санъати ва портрет композицияси ҳақида	2
9	Тасвирий санъатда тарихий жанр.	2
10	Тарихий картина устида ишлаш кетма-кетлиги	2
		22 соат

№	Амалий машғулотлар мавзуси ва мазмуни	
1	Тематик натюрморт устида ишлаш	6
2	Интерьер композициясини рангда бажариш.	4
3	Манзара композицияси устида ишлаш	6
4	“Меҳнат” мавзусида мавзули- композицион хомаки чизгилар	2
5	Мавзули-вокеабанд композициялар ишлаш	6
6	Натурадан портрет эскизини бажариш.	4
7	Портрет композицияси устида ишлаш	6
8	Монументал картина ёки деворий сурат учун эскиз бажариш.	4
9	Тарихий картиналарни таҳлил қилиш ва тарихий мавзуда хомаки расм ишлаш.	2
10	Тарихий мавзуда композиция ишлаш	6
		48 соат

Бу режада графика санъатининг кўринишларига (саноат, полиграфия, китоб) оид вазифалар киритилмаган. Чунки юқорида

айтиб ўтганимиздек ўқув режасига графика фани киритилган бўлиб, бу фанни ўрганиш орқали талаба графика санъатига оид барча назарий маълумотларга эга бўлиши ва композициялар тузиш малакаларини эгаллашлари мумкин.

Ҳар бир амалий вазифани бажаришдан олдин ўқитувчи мавзуни мазмуни ва тасвирлаш имкониятлари, уни моҳиятини очиб берувчи композициянинг асосий қонун ва қоидаларини талабалари тушунтириб беради. Эскиз устида иш бошланишидан олдин ўқитувчи талабаларга мавзуни чуқур ўрганиб чиқиши учун зарур бўлган адабиёт ва манбаларни таклиф қилади. Иш жараёнида ҳам ўқитувчи ўз маслаҳатини бериб боради. Талабанинг диққатини мавзу ечимининг усуллари ранг-баранг эканлигига, зидликлар тизимидан фойдаланишга, шакл ва ҳажмни, қараш нуқтасини, перспектива, кўламларни ва ҳоказоларни тўғри танлашга қаратмоғи лозим. Талабаларнинг фаолияти ривожланишига қараб, улардан хомаки йиғилган материаллар бўйича изчил, обдан ишлаш, композицияга расмлар ва этюдлар, турли хил вариантдаги эскизлар ишлаши талаб қилинади.

Эскиз ишлаш тугалланганидан сўнг эса ўқитувчи қилинган ишларнинг яхши ва ёмон томонларини, ютуғи ва камчиликларини кўрсатади. Талабаларнинг композиция машғулотларига бўлган қизиқишларини ошириш мақсадида берилган мавзу бўйича энг яхши композиция танловлари ўтказилади.

Ёзги малакавий амалиёт даврида ҳам йиғилган материаллар асосида композициядан битта вазифа бажарилади.

Ўқиш жараёнини тугатувчи малакавий-битирув иши қайси йуналишдан бўлишидан қатъий назар композиция жихатдан тўғри қурилган бадиий асар бўлиши лозим. Бу малакавий-битирув иши талабанинг университетда таълим олиш жараёнида эгаллаган турли-туман билимлар ва тажрибасининг акс этиши ҳисобланади.

Адабиётлар:

1. Н.Н. Ростовцев, С.Е. Игнатъев, Е.В. Шорохов. "Рисунок. Живопись. Композиция" Москва просвещение-1989.
2. Б.Тожиев, Н.Орипова. "Рангтасвир ва композиция дастури" II-курс Тошкент-1995.
3. Г.Абдурахмонов "Рангтасвир ва композициядан методик тавсиялар". I-курс. Тошкент-1995.
4. С.М. Даниэль. "Искусство видеть" Искусство Ленинградское отд. 1990.
5. Е.В. Шорохов "Основы композиции" Издательство "Просвещение", 1979 г.
6. Н.М. Сокольникова "Изобразительное искусство и методика его преподавание в начальной школе". Москва "ACADEMIA" 1999 г.
7. С.Д.Левин "Беседы с юным художником" М-1988.
8. Н.П.Бестчастнов и др. "Живопись" М-"Владос"-2001.